

## РАНГЛАРНИ ПСИХОЛОГИК ИДРОК ЭТИШ

**БЕҲЗОД МАҲМУДОВ**

*Доцент, К.Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти*

**Аннотация** Мазкур мақолада ижодкор шахсининг санъат психологиясини ўрганиш ва тадқиқ этишдаги аҳамияти ва ўзига хосликлари тадқиқ этилган. Шунингдек, турли соҳа олимлари томонидан санъат психологияси, ижодий қобилият ва тафаккур ҳақидаги фикрлари солиштирма таҳлил қилинган ва бадиий қобилиятнинг асосий хусусиятлари очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** *санъат психологияси, ижодкор, тафаккур, ижодий қобилият, идрок, хотира, шахс, ижодкор, санъат, психолог.*

**Кириш қисми:** Санъат психологиясини ўрганиш ва тадқиқ этишда ижодкор шахси асосий ўрин эгаллайди, унда илмий ва бадиий туйғули ҳолатлар бирлаштирилади. Бунда ижодкорнинг психологик турини кўрсатиш учун ижодиётнинг услубий ўзига хослигининг янги таҳлили баён этилади.

Болаларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш учун уларнинг тафаккури, муомиласи, шахсини белгилаш катта аҳамиятга эга. Болаларнинг психологик хусусиятларини, имкониятларини аниқлашда психология юксак ўрин эгаллайди. Бу нарса узоқ давом этади ва сабаблари кўп. Тарбиячи, ўқитувчи турли зиддиятларга, ҳолатларга дуч келадилар. Ўқув дарсликлари болаларнинг тафаккури, ижодиётини аниқлашда ўз йўналишига эга бўлади. Шунинг учун талант тараққиёти тўхтаб қолиши ёки бошқа йўлга тушиб кетиши мумкин. Ижодий тафаккур доимий назарий, бадиий, амалий, ҳаракатчан йўналиш билан боғланмаслиги мумкин. Психолог шундай мураккаблик ичидан ижодий тараққиётни ажрата билиши керак, лекин фан ҳозирча бунга тўлиқ эришган эмас.

Мавзунинг долзарблиги шундаки , ёш болаларнинг бадиий тафаккури бошқача фикрлаш хусусиятлари билан уйғунлашганини тадқиқ этиш лозим. Болаларнинг ижодий тафаккури турли босқичларни босиб ўтади. Шунга кўра

уларнинг ижодий ва амалий аҳамиятини кузатиб, тўғрилаб бориш фойдали. Ижодий тафаккур воқеликни билиш жараёнидаги янгиликни ҳис қилиш ва ифодалашдир. Бу жараён янгиликни ҳис қилиш сабабларини билишдан бошланади. Ижод моддий ва маънавий оламда янгилик яратишдир. Шахсда истеъдод билим тажриба бўлсагина янгилик, оригиналлик, алоҳидалик вужудга келади. Шахснинг шу хусусиятларини ўрганиш ундаги интуиция, тафаккурнинг янги имкониятларини амалга оширишга олиб келади. Ижодда ижодий фантазия катта аҳамиятга эга.

**Адабиётлар таҳлили:** Л.С.Виготский, В.В.Давидов, А.В. Запарожец, Н.Н. Поддьяков, Н.А.Ветлучина, Н.П.Сакулина, Е.А.Флергина каби олимлар болаларнинг ижодий имкониятлари мактабгача намоён бўлишини исбот қилдилар. Л.С. Виготский фикрига кўра “Ижодий фаолият янгилик яратишдир. Ақл бизни аввалги тажрибаларимизни сақловчи ва қайта ишловчи эмас, янгилик яратувчи, келажакка ундовчидир”. Дж.Гилфорднинг ёзишича, тафаккур ижоди тўртта хусусиятда кўзга ташланади: оригиналлик, доимийлик, ўзига хослик, объектни янгича кўриш ва шу билан бирга уни амалиётда қўллай билиш, янгича талқин, талқинни семантик жиҳатдан баҳолаш.

**Асосий қисм:** Ижодкор шахсларда тафаккур чуқур билим орқали намоён бўлади. Ижодий тафаккурга кўрқув аралашса, ўз фикрининг кучлилига ишонмаса ижодий жараён хиралашиб қолади. Демак тафаккур танқидий ва ижодий бўлса янги бадиий маҳсулот вужудга келади. Буни болаларда эртароқ шакллантириш лозим. Ижодий жараён унга тайёргарлик кўриш, долзарблигини аниқлаш, ёритиш, масалага индиутив ёндашиш, мақсадни ёритиш, қайтадан кўриб чиқиш орқали бажарилади. Санъат психологияси охириги йилларгача психологиянинг маънавий ўринларида эмас эди. Санъат ҳақида файласуфлар, ўқитувчилар, психологлар, санъатшунослар, кўп ёзишган бўлсада, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича мулоҳазалар тарқоқ эди. Бу ҳақда психология илмида учта йўналиш мавжуд эди.

Ассоциатив психологияга кўра ўз вақтида Аристотель тасаввур ўхшашлик, кўшилувчанлик, зиддиятни бирлаштиради, деган эди. Иккинчидан инсон психикасини ўрганиш яқдиллик назараясига кўп нарса беради. Ижодкор шахси,

рухи аникланади, учинчидан онгсизлик жараёни ҳам диққатни тортади. Санъат психологиясини ўрганишда Харьков психологлари мактабининг асосчиси А.А.Потебня (1835-1891) катта роль ўйнаган. У бадиий идрок этишга катта эътибор қаратган. Унинг мактаб тажрибаси юзасидан Д.Н.Овсянико Куликовский, Н.А.Бердяевлар кўп иш қилишган. Л.С.Выготский (1896-1934) санъат психологияси бўйича диққатга сазовор асарлар қолдирган. Унинг Санъат психологияси монографияси (1968) йили нашр этилган, унда олам объектив дунё кўйнида инсоннинг субъектив олами туғилишини исбот қилиб берган. Психологияда санъат моҳиятига қуйидагича таъриф берилади: Санъат хаётни бадиий образлар орқали ижодий акс эттириш, ижтимоий онг шаклларида бири. Иккинчидан маҳорат билим, фаолиятини бажариш, учинчидан ишни бажаришдаги маҳорати, дид ва истеъдод. Санъат бошқа ижодиёт турларидан ўзининг тасвир хусусияти билан ажралиб туради. Н.Л.Нагибина фикрига кўра мувофиқлаштирилган, типологик муносабатда ижодкор қиёфаси биринчи ўринда туради. Тасвирий санъат қобилиятларини ўрганиш XX асрдан бошлаб бадиий истеъдодларни психологик жихатдан тақдим этиш жараёни бошланди. Э.Мейман ижодий шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини ,болаларнинг тасвирий белгиларини ўрганиши шундай хулосага олиб келдики, тасвирий санъатга истеъдодсизликнинг хотира ва идрок даражаси кўрган нарсаларни умумлаштира билмаслик тажриба ночорлиги билан боғлиқлигини аниқлади. Ф.Эйер чизиш ва лабораториялардаги машқларни кузатиб расм ишлайдиганларнинг қобилиятлари бўйича ижобий хулосаларга келди. Н.Мануэль расм ишлашга кўриш хотираси, ишлашда кузатиш, умумлаштириш, ранглари ажрата олиш хусусиятларини аниқлаб бадиий талантга, туғма бадиий, эстетик хозиржавоблик, умумлаштириш лозим эканлигини қайд этди. Профессинал мактабларда ўқиган, коллеж, лицейларни битирсада чизишдан нўнок талабаларнинг кўпини ўрганиш тасвирий қобилият тўғрисида тўғри хулоса чиқаришга олиб келди. Бунга Чикаго бадиий мактаби талабалари мисол қилиб кўрсатилади. Бадиий мактабларнинг талабалари коллежни битирганларга нисбатан иктисодий, ижтимоий қадриятлар бўйича эстетика, ахлокий жихатдан кучлилиги аниқланган. Рассом кизлар шахсининг

актёрлик истеъдоди билан ажралиб, ўз хис - туйғуларини юксалтиришга ҳаракат қилганлар. Шунингдек, бадий мутахассислик талабаларнинг қобилият хусусиятлари ҳам ўрганилган. Келажакдаги дизайнерлар, эълон, мой тасвир рассомлари, чизмакашлик ўқитувчиларининг бир биридан фарқи ҳам кузатилган. "Эркин рассомлар" моддий ижтимоий қадриятлардан кўра эстетик оламга кўпроқ диққат қилганлар, шахсий истеъдодларга кўпроқ эътибор берилган. В.И.Киренко (1959) бадий қобилиятнинг қуйидаги хусусиятларига эътиборни кучайтирди: кўришдаги умумийлик қобилияти, вертикал ва горизонтал йўналишларни кучли хис қилиш, асосий бугундан чекинишдан эҳтиёт бўлиш, хатини аниқ белгилаш, нурланишда хато қилмаслик, ораликни беришда қобилиятсизлик қилмаслик, рангга истеъдод, кўриш қобилияти. Буларни идрок этишда шахсий фарқни сезиш мумкин. Тасвирий санъатдаги истеъдод бир бутун ва синтетик кўришда сезилади. Қаламтасвирда қўл ҳаракатининг ўрни эътиборли. Умумий таҳлил олимларга шуни кўрсатадики, В.М.Рисаева шахсий истеъдоднинг ҳаракатчан хусусиятларини, Р. Кетелла бўйича ҳаракатчан, Б.Баеснинг ижодий йўналиш хаваскорлигини, Ю.М.Орловнинг натижа ютуқларини ажратишга имконият туғдирди. Бу йўналиш бадий чизма қобилиятларнинг йиғиндиси ҳақидаги билимга олиб келди. Унинг бирлиги тўртта хусусиятни ажратиш имкониятини берди. Биринчи хусусиятда йўл чизиклар, мутаносиблик, симметрия хиссиёти кўлнинг келиштирув белгиси ҳисобланди. Иккинчи хусусиятга тиниб тинчимасликни изоҳловчи тафаккур ҳаракатчанлиги, усталлиги мияннинг ижодий жараёнлигини, устамонлигини белгиловчи фазилатлар киради. Учинчи хусусият моддийликни белгиловчи, бадий чизмакашлик, истеъдодини изоҳловчи, томошабин диққатини тортувчи хусусиятларни камраб олади. Тўртинчи хусусият "Инсон бадий образ" деган тушунчани ташувчи ва инсон кўлининг ҳаракатчан кучини изоҳловчи белгиларни кўрсатади.

Юқоридаги мулоҳазалар бадий қобилиятнинг қуйидаги асосий хусусиятлари ҳақида ҳулосага келишга ундайди :

- ижодий фантазия ва тафаккур узига хос хусусиятларга эга.
- томошабин хотираси яратишга ва ёркин сақловчи булади.

- идрок этилаётган нарсаларга нисбатан эстетик туйгуларнинг келиши.
- мақсадни воқеликка айлантиришни таъминловчи шахснинг иродавий бақуватлиги.

Н.А.Нагубина ва унинг ҳамкасбларининг тавсиясига кўра психологик типлар турлари рационал ва иррационаликка асосланади. Хар бир одамда билишнинг битта кўриниши устун булиб, билимнинг иккинчи тури ё биринчисига бўйсунган ёки у билан баробар келади. Рационал кўринишда тафаккур ҳукмрон, ҳис хаяжонли, у мияга ҳиссиёт билимига нисбатан қадриятдай муносабатда бўлади. Иррационал турда тафаккур ҳал қилувчи рол ўйнамайди. Билим жараёни ҳиссиёт билан боғланмай, интуиция ва туйгуларга қадрият тарзида муносабатда бўлади.

**Хулоса қисми:** "Санъат психологияси" курсида иждоқор шахси асосий ўрин эгаллайди, унда илмий ва бадиий туйғули ҳолатлар бирлаштирилади. Бунда иждоқорнинг психологик турини кўрсатиш учун иждодиётнинг услубий ўзига ҳослигининг янги таҳлили баён этилади. Шахсийлик тизимида рационаллик ва иррационаллик қирраларининг тузилиши тўғри ва аниқ ифода этилган. Хар бир инсоннинг воқеликка нисбатан ўз муносабати бор. Бу хусусиятлар бадиий иждоқ ва иждоқорликнинг мураккаб ички қонуниятларини психологик жихатдан ўрганишда беқиёс аҳамиятга эга.

**Адабиётлар:**

1. Кирехенко В.И. Психология способностей к изобразительной деятельности. – М.: 1959. – С. 67.
2. Ковалёв А.Г. К вопросу о структуре способности к изобразительной деятельности. – М.: 1962. – С. 110-112.
3. Сельченко К.В. Психология художественного творчества хрестоматия. - Минск. 1999. – С. 24-25.
4. Хрусталева Т.М. Художественная одарённость будущих учителей изобразительного искусства. Постановка проблемы. 2003. – С. 101-102.
5. Mahmudov Bexzod Tilabovich. (2022). METHODS OF WORKING IN THE FIELD OF FINE ARTS AND COMPOSITION AND UNDERSTANDING CREATIVITY. *Conference Zone*, 90–91. Retrieved from <https://www.conferencezone.org/index.php/cz/article/view/222>
6. Bekhzod Maxmudov. (2023). PSYCHOLOGICAL OF ARTISTIC MEANS IN THE WORK FACTORS OF PERCEPTION. *Horizon: Journal of Humanity and Artificial Intelligence*, 2(12), 26–28. Retrieved from <https://univerpubl.com/index.php/horizon/article/view/29>